ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД
БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Педагогик тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Pedagogical Research

2020/6 (50)

Андижон
2020 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА
Серия: Педагогик тадқиқотлар

Журнал бир йилда 8 марта
(серия 2 марта) чоп этилади

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 17 августда
1097 рақами билан
рўйхатга олинган

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих,
филология, педагогика, кимё ва
биология фанлари бўйича Олий
аттестация комиссиясининг
диссертациялар натижалари юзасидан
илмий мақолалар эълон қилиниши
лозим бўлган нашрлар рўйхатига
киритилган.

Босишга рухсат этилди: 21.09.2020
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:

“Муҳаррир” нашриёти матбаа
бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси 7-уй.

Таҳрир ҳайъати раиси:

Азимова Зиёда Эргашевна – педагогика фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Таҳрир ҳайъати

Қуронов Муҳаммаджон – педагогика фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич – педагогика фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Юсупова Шохида Жалолиддиновна – педагогика фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)

Хайдаров Маматжон Эшқулович – педагогика фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Жумаев Маманазар Иргашевич – педагогика фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Исаев Илья Фёдорович – педагогика фанлари доктори, профессор (Бельгород, Россия)

Асука Кавано – педагогика фанлари доктори (PhD) (Нагоя, Япония)

Алиева Шаҳло – педагогика фанлари доктори (Боку, Озарбайжон)

Жумабаева Азия Елеупановна – педагогика фанлари доктори, профессор (Остана, Қозоғистон)

Бичурина Сеимбика Усмоновна – педагогика фанлари номзоди, доцент (Казан, Россия)

Муҳаррир:

Д.Ҳ.Қуронов
филология фанлари доктори, профессор

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129. Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru Расмий сайт: www.xabarnoma.adu.uz

МУНДАРИЖА

ПЕДАГОГИКА

ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ

З.Э.АЗИМОВА, М.К.БАКИЕВА
Қизларда ижтимоий фаол шахс сифатларини шакллантиришда хориж тажрибаларидан фойдаланиш (Parents.com сайти материаллари мисолида) 5

Қ.А.ҚАДИРОВ
Олий таълим тизимида маънавий-маърифий ишларнинг ташкилий-педагогик модернизацияси хусусида 16

И.Н.САЙДАЛИЕВ
Замонавий муҳандисларни тайёрлашда олий таълим ва ишлаб чиқариш синергетик интеграциясининг аҳамияти ва истиқболлари 25

Н.Д.АҲМЕДОВА
Талабаларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш ижтимоий-педагогик масала сифатида 36

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ

Я.УМАРОВА, Д.НЕЪМАТОВА
Умумтаълим мактабларидаги ўқувчилар тил компетентлигининг жорий ҳолати таҳлили 47

A.AXLIMIRZAYEV, T.S.NISHONOV
Ehtimollar nazariyasi fanidan amaliy mashg‘ulotlarni tashkil etish bo‘yicha ba’zi bir mulohazalar 58

ПЕДАГОГИК СОЦИОЛОГИЯ

A.U.ABDIYEV
Andragogik ta’limda gender muammolari 70

ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ

М.Ш.РАҲМОНОВ
Видеомашғулотларнинг дарс самарадорлигига ижобий таъсири ва зарурий тавсиялар 79

CONTENTS

PEDAGOGY

THEORY OF PEDAGOGICS

Z.E.AZIMOVA, M.K.BAKIYEVA
From the foreign experience of the methodology of education of socio-active personality in girls (on the example of site materials Parents.com) 5

K.A.KADIROV
Organizational and pedagogical of issues spiritual and educational work in the higher education system 16

I.N.SAYDALIEV
The importance and prospects of synergetic integration of higher education and development in the training of modern engineers 25

N.D.AHMEDOVA
Development of professional-spiritual qualities at students-socio-pedagogical problem 36

THEORY AND METHODS OF EDUCATION AND UPBRINGING

Ya.T.UMAROVA, D.NE'MATOVA
Analysis of the current state of language competence of secondary school students 47

A.AKHLIMIRZAEV, T.S.NISHONOV
Some considerations on the organization of practical lessons on probability theory 58

PEDAGOGIC SOCIOLOGY

A.U.ABDIEV
Gender issues in andragogy 70

THEORY AND METHODS OF E-LEARNING

M.Sh.RAHMONOV
Positive impact of video classes on lesson efficiency and necessary recommendations 79

УДК 371. 302. 5

ҚИЗЛАРДА ИЖТИМОИЙ ФАОЛ ШАХС СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ (Parents.com сайти материаллари мисолида)

З.Э.Азимова, М.К.Бакиева

Мақолада мамлакатимизнинг барча таълим муассасалари ўқувчи-қизларида комил инсон шахсини шакллантириш, уларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ истиқболли келажагига бўлган эътиборни янада кучайтириш, ўқувчи-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширувчи ички миллий муносабатларнинг шаклланиш даражасини аниқлаш, ўрганиш, қиёслаш ва таҳлил қилиш асосида маълум бир илмий-амалий хулосаларга эга бўлишда миллий ҳамда хориж тажрибаларидан фойдаланишнинг аҳамиятли томонлари ёритилган.

Калит сўзлар: *ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, тарбия концепцияси, мафкуравий иммунитет, таянч компетенция, ижтимоий фаоллик, ҳуқукий маданият, инновацион фикрлаш.*

В статье речь идет о формировании, изучении, сопоставлении и анализе уровня внутренних национальных отношений во всех образовательных учреждениях нашей страны, о формировании полноценной личности учениц, их внимании к перспективам социально-экономического развития общества, повышении их социальной активности. Также выделены важные аспекты использования отечественного и зарубежного опыта для получения научных и практических выводов.

Ключевые слова: *социально-экономический, духовно-просветительский, образовательная концепция, идеологический иммунитет, базовая компетенция, социальная активность, правовая культура, инновационное мышление.*

“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғояси асосида Ўзбекистон тараққиётнинг янги даврига қадам қўйгани, амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар юртимиз тараққиётига замин яратмоқда. Юртимизда илм-фан, таълим-тарбия соҳаларида амалга оширилаётган катта ўзгаришлар, хусусан, мактаб таълимини ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиб бормоқда.

Бугунги ижтимоий жараёнда янгиланиш ва ислоҳотлар ҳақида сўз кетганда жаҳон ҳамжамияти “Янги Ўзбекистон” деган иборани тилга олмоқда. Бу юртимиздаги ўзгаришларга берилган муносиб баҳодир. Айниқса, мамлакатимиздаги мана шундай ижобий ўзгаришлар дунё ҳамжамиятининг Ўзбекистонга бўлган қизиқишини янада ошириб, унинг халқаро майдондаги нуфузини тобора мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Жаҳон эътирофини чуқур ҳис этиб, юртимиз равнақини мақсад қилган ҳолда мамлакатимизда илм-фанни янада юксалтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шаклланган

тириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида ёшларнинг ижтимоий фаолияти билан боғлиқ турли муаммоларни тадқиқ этиш педагогика фани олдида турган биринчи галдаги вазифалардан биридир [1. Б. 124].

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ёшлар маънавиятига эътиборни энг юқори нуқтага кўтарди, дейиш мумкин. Президентимиз Шарқ донишмандларининг: “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!” деган ҳикматли сўзларини мисол келтириб, замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиб бораётганини, нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун, аввало, илм-маърифат, юксак маънавият кераклигини, илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва, албатта, тўғри йўлдан адашиш ҳолатлари кузатилишини таъкидлади [2].

Халқимиз дунё тамаддунида ўзининг юксак илм-маърифати ва ақл заковати билан доимо эътирофга сазовор бўлган. Донишманд халқимизда қиз болани парваришлаш, уларга таълим ва тарбия бериш, қизларни оила ва юрт шаъни деб ардоқлаш ҳамиша устуворлик касб этган. Шоирона таъбир билан айтганда, “ўғил бола уйнинг, қиз бола кўнгилнинг султони” ҳисобланади.

Тараққийпарвар жадидлардан бири Абдурауф Фитрат ўз давридаги бола тарбияси борасида йўл қўйилган камчиликлар хусусида куюниб, чора сифатида тарбия усулларини билиш зарурлигини таъкидлаб: “Агар саодат, иззат, осойишталик, роҳат, шараф, номус ва эътибор керак бўлса, тезроқ авлод тарбияси усулларини билиб олиб, болаларимизни шу усул ва қоидалар асосида тарбиялашимиз лозим”, – дейди [3. Б. 60].

Фитратнинг педагогик қарашлари “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”даги асосий принцип – тарбиянинг ёш даврларига бўлиб ташкил қилишга ҳамоҳанглиги билан, қизлар тарбиясига бевосита алоқадорлиги билан диққатга сазовор. Унинг фикрича, тарбия уч қисмдан иборат бўлиб, булар – бадантарбияси, ақлий тарбия ва ахлоқий тарбиядир. Тарбиянинг ҳар бир қисми туғилишдан етти ёшгача аввал ота-она зиммасига тушади. Саккиз ёшдан йигирма ёшгача мактаб ва мадраса зиммасига, кейин умрининг охиригача одамнинг ўз бошига тушади.

Бугунги кунда мамлакатимиз таълим муассасаларига, яъни бошланғич таълимга қаратилаётган эътибор ўз навбатида миллатимизнинг келажак тараққиёти учун замин яратади. Айтиш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистонда мактаб таълимига жалб қилинган умумий ўқувчилар сони 5 миллион 821 минг 861 нафарни ташкил этса, уларнинг 2 миллион 840 минг 166 нафари – 48,8 фоизини ўқувчи-қизлар ташкил этади. Шу ўринда бошланғич синф ўқувчи қизларида ижтимоий-фаол шахс сифатларини тарбиялашнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий моҳияти ҳақида фикр юритганда уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини оширишга эътибор қаратиш, одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этишини таъминлашни бугунги таълим ислоҳотларининг муҳим таркибий қисми деб белгилаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу муҳим вазифалар – ахлоқий, маънавий, миллий, мафкуравий, сиёсий, ҳуқуқий ижтимоий тарбия йўналишларининг ўзаро алоқадорлиги яхлит ёндашув – “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”да очиб берилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сонли қарори билан “Узлуксиз маъ-

навий тарбия Концепцияси” қабул қилинди. Унда ёшлар тарбияси билан боғлиқ вазифаларни самарали амалга ошириш, уларни тинч-осойишта ҳаёт учун энг зарур таянч компетенциялар билан таъминлаш, маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш, тарбия жараёнида узлуксизлик, узвийлик тамойилларига таянган ҳолда, аввало, онанинг ҳомиладорлик даврини тўғри ташкил этиш, гўдаклар ва болаларни маънавий тарбиялаш бўйича асосий йўналишларни белгилаш кўрсатиб ўтилди. Концепциянинг инновацион моҳияти ёшларда Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби муҳим фазилатларни болаликдан бошлаб босқичма-босқич шакллантириш, ҳомиладорлик давридан бошлаб 30 ёшгача давом этадиган узлуксиз маънавий тарбияни амалга оширишга қаратилганлигида намоён бўлади [4].

Шунингдек, ота-она, тарбиячи, ўқитувчи, узлуксиз таълим муассасалари ва маҳалла жамоатчилигининг ўзаро самарали ҳамкорлиги механизмини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш, аҳолининг фарзанд тарбияси бўйича билимларини, педагогик маданиятини ошириш, фуқароларни узлуксиз маънавий тарбиянинг жаҳон тажрибасида синовдан ўтган самарали педагогик технологиялари, усуллари ва амалга ошириш шакллари билан мунтазам таништириб бориш асосий вазифа сифатида белгилаб берилган. Концепция ўз олдига тарбияга янгича, компетентли ёндашув, яъни болада таянч фазилатларни кафолатли шакллантиришда оила, мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар, олий таълим муассасалари, маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ юзага чиқаришни ва улар орасида илмий-методик узвийликни янги даражага кўтаришни олий мақсад сифатида белгилайди. Шу билан бирга мазкур концепцияда таълим тизимида гендер педагогик имкониятларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Концепциянинг асосий мақсади сифатида – ёш авлодда мустақил, бахтли ҳаёт учун зарур ижтимоий малака ва фазилатларни ёшига мос, босқичма-босқич шакллантириш кўзда тутилиб, мазкур мақсадни рўёбга чиқариш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- маънавий-ахлоқий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш;
- тарбиянинг ҳомиладорлик давридан бошланадиган, тадрижийлик ва узлуксизлик тамойилларига асосланган методикасини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш;
- узлуксиз тарбия тизимида миллий ва замонавий педагогиканинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш;
- тарбияланувчилар билан бирга тарбиячиларнинг ҳам билим ва малакасини мунтазам ошириб бориш;
- оила, таълим муассасалари ва маҳалла, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорлик механизмини йўлга қўйиш;
- маънавий тарбиянинг тадрижий ривожланиш ва узлуксизлик тамойилларига асосланиши.

Бу вазифалар тарбияга янгича, тизимли ёндашув, таянч фазилатларни кафолатли лойиҳалаштириш ва ўргатишда оила, мактабгача таълим муассасаси ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик имкониятларини тўлиқ ишлатиш ва улар орасида илмий-методик ҳамкорликни янги даражага кўтаришни талаб қилади.

Бу борада қилинадиган энг муҳим вазифалар сифатида бошланғич синфда “Тарбия” фанини ўқитиш методлари, ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш, тарбиянинг илғор хорижий технологияларидан

миллий тарбиямиз мақсадларида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”да таълимда гендер ёндашувга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса бошланғич синф ўқувчи қизларини эртанги кун – Учинчи Ренессанс эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда илмий асосланган таянч компетенциялар, фазилатлар билан таъминлашни талаб этмоқда. Тарбияга янгича, тизимли ёндашув, қиз болаларда таянч фазилатларни кафолатли шакллантиришда оила, мактабгача таълим ҳамда бошланғич таълимнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ юзага чиқаришни ва улар орасида илмий-методик узвийликни янги даражага кўтаришни тақозо этади. Зеро, ҳар йили мустақил ҳаётга кириб келаётган қизларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида бир қатор муаммолар юзага келмоқда. Айрим ўқувчи-қизларда юксак мақсадларнинг шаклланмаганлиги, ўзини ўзи ўқишга сафарбар қилиш, ирода, матонат, тиришқоқлик, ҳаракат фазилатлари етарли ривожланмаганлиги таълим сифатига ҳам зарар кўрсатаётганлигини кузатиш мумкин.

Фаоллик – жамият билан доимий муносабатни ушлаб турувчи, ўзини ўзи англаган ҳолда ҳар бир ҳаракатини мувофиқлаштирувчи шахсга хос муҳим ва умумий хусусият.

Фаоллик (лотинча “actus” – ҳаракат, “activus” – фаол сўзларидан келиб чиққан тушунча) шахснинг ҳаётдаги барча хатти-ҳаракатларини намоён этишини тушунтирувчи категориядир. Бу ўша оддий қўлимизга қалам олиб, бирор чизиқча тортиш билан боғлиқ элементар ҳаракатимиздан тортиб, токи ижодий уйғониш пайтларимизда амалга оширадиган мавҳум фикрлашимизгача бўлган мураккаб ҳаракатларга алоқадор ишларимизни тушунтириб беради. Ижтимоий фаоллик эса шахснинг ҳар соҳадан хабардорлик, комиллик даражасини кўрсатувчи мезондир.

Ўқувчи-қизлардаги ижтимоий фаолликнинг такомиллашувини бош мезони, маънавий-мафкуравий тарбиянинг пойдевори – ўзликни англаш ва ўз-ўзини бошқаришга ўргатишдир. Чунки шахсдаги ижтимоий фаолликнинг асосини ўз-ўзини бошқариш ва ўзлигини англаш ташкил этади. Қизларни ижтимоий фаоллик руҳида тарбиялаш комплекс тарзда олиб бориладиган жараён бўлиб, асосан, меҳнат фаолияти, ижтимоий муҳит, маҳалла, жамоатчилик таъсирида ижтимоий топшириқларни бажаришда амалга оширилади.

Айтиш мумкинки, ижтимоий муҳит, таълим-тарбия қизларнинг ўзи фаол иштирок этгандагина унинг туғма лаёқатини уйғотади, истеъдод, қобилиятларини ўстира олади. Агар киши ўзи шуғулланаётган фаолиятини севса, унинг шу соҳадаги истеъдоди тезроқ ва кучлироқ рўёбга чиқа бошлайди.

Бунинг учун таълимда қизларнинг фаоллигини таъминлаш зарур, бизнингча. Яъни қизларнинг фаоллиги унинг мустақиллиги орқали вужудга келади. Мустақиллик туфайли қизлар таълимнинг фаол субъектига айланади. Бу эса фаоллик учун шарт-шароит вазифасини ўтайди, фаоллик эса ўз навбатида ўқувчиларда мустақилликни тарбиялаш учун асос бўлади. Демак, фаоллик тушунчаси хоҳ ўқув-тарбия, хоҳ ижтимоий ва маънавий ҳаёт тўғрисида бўлмасин, инсоннинг онгли, ақлий фаолиятини ифодалаш учун ишлатилади.

Ҳар қандай фаолиятга киришмасдан олдин қизларга шахснинг мақсади – ҳаёт, турмуш, яшаш учун зарурлигини тушунтириш керак. Мақсад олдиндан англанган натижа бўлиб, қиз боланинг барча хатти-ҳаракатини, интилишларини ягона йўлга солади. Мақсадни тўғри англаш фаолиятнинг истиқболлигини, самара-

дорлигини таъминлайди.

Бошланғич синф ўқувчи қизининг ижтимоий фаоллиги – бу қизнинг ўраб турган борлиқ билан алоқа шакли бўлиб, унда ўқувчи қизнинг объектив мавқеига, жамиятдаги ўз ўрнини белгилаб олиши ва ўзини ўзи реализация қилиши шакли, унинг ижтимоий тажрибага эга бўлиб, фаолиятнинг ижтимоий муҳим кўринишларида иштироки даражасига боғлиқ бўлган фаолиятда ички ва ташқи муносабатларнинг бирлиги намоён бўлади.

Ўқувчи қизларда бошланғич синфларданоқ ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб бориб, уларнинг ҳаёти давомида юксак муваффақиятларга эришиш имкониятларини аниқлаб берадиган омиллар ва жиҳатларни кўрсатиш орқали келажакда хотин-қизларни жамият тараққиётидаги ўрни ва ролини кўрсатишдан иборат.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, қиз болалар тарбияси жамиятнинг бўлажак хотин-қизлари дунёқарашини белгилашда муҳим ўрин тутади. Қизларимиз фазилатларини ҳар тарафлама ривожлантириш биринчи навбатда уларни мустақил фикрловчи, фаол фуқаро этиб тарбиялаш жамият тараққиётининг самарасини белгиловчи муҳим педагогик масаладир. Шунингдек, ота-онанинг қиз фарзандини турли тўгаракларга аъзо қилиши, спорт билан шуғуллантириши, вақтини бекор ўтказишга йўл қўймаслиги, зарур бўлганда мактаб жамоатчиликни, ички ишлар бўлимлари билан ҳамкорликда иш олиб бориши воягa етмаган қизларни ҳаётга тайёрлашда катта аҳамиятга эга.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”да дунё педагогик тажрибаси ва ютуқларини мужассамлаштиришга эътибор қаратилган. Жумладан, Концепцияда Европа Иттифоқининг тарбиявий тавсиялари, АҚШ тажрибасидан шахс эркинлиги, тадбиркорлик, муваффақиятга эришишга интилиш, Жанубий Кореяда ёшлар онгига урф-одатлар, ахлоқий идеалларни сингдириш, Япониянинг “характерни шакллантиришга йўналтирилган таълим”, Хитойнинг яхшилик, тўғрилик, поклик, донолик ва ишончлилик каби фазилатларни тарбиялашга қаратилган педагогик тажрибалари ўрганилган.

2020 йил 30 октябрда Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалаларини мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини олиб боришда дастурамал бўлиб хизмат қилиши муқаррардир. Шу куни ўтказилган сессияда Президентимиз мактаб таълимини ислоҳ қилишга алоҳида тўхталиб, “мактабда ўқитиш методикаси ўзгармаса, таълим сифати ҳам, мазмуни ҳам, муҳит ҳам ўзгармайди”, деди [5]. Ушбу мақсадда дунёдаги замонавий ўқув дастурлари, ўқитиш методикаларини ўрганиб, юртимиз умумтаълим мактабларида жорий қилиш муҳимлиги таъкидланди. Халқ таълими вазирлигига ушбу тажриба асосида Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқиб, 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб таълим жараёнига синов тариқасида татбиқ этиш вазифаси қўйилди.

Мазкур муҳим топшириқ нуқтаи назаридан қаралганида бошланғич таълимга қаратилаётган эътибор ўз навбатида бошланғич синф ўқувчи қизларида ижтимоий-фаол шахс сифатларини тарбиялаш бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Бошланғич синф ўқувчи қизларида ижтимоий-фаол шахс сифатларини тарбиялашда масалага компаратив (қиёсий) ёндашиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ёндашув

бошланғич синфларда тарбия мазмунини бойитишда ўзига хос аҳамиятга эга. Хусусан, мустақил фикрловчи, масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ўқувчи-қизлар компетенцияларини шакллантириш муаммоси ҳозирги мураккаб глобаллашув шароитида айниқса долзарб заруратдир. Ушбу заруратдан келиб чиқиб, АҚШда энг машҳур "Ота-оналар" (Parents.com) сайтида ўқувчи-қизлар тарбияси масаласига доир педагогик контент компаратив тадқиқ қилинди.

Психолог Кристин Кусек Люиснинг "Бахтли ва ўзига ишонган қиз фарзандни тарбиялаш сири" ("The secret to raising a happy confident gir") номли мақоласида қиз фарзандни жамиятга тайёрлашнинг муҳим педагогик принциплари ҳақида сўз юритилган. У: "Тўғри, қизлар илмий фаолиятда жуда яхши натижаларга эришмоқдалар, лекин масаланинг туб моҳиятига қарасак, шундай муваффақиятнинг педагогик тарихини кўрмаяпмиз", – деб таъкидлайди [6. Б. 34]. Бу билан олим қизлар тарбиясига илмий-педагогик ёндашувни кучайтириш зарурлигини уқтирмоқда.

"Қизлар етакчилиги" ("Girls Lidership" – Америкадаги битирувчи мактаб ўқувчилари, уларнинг ота-оналари ва ўқитувчиларига ёрдам кўрсатувчи нотижорат ташкилот)нинг асосчиси Симон Мареан фикрича, қизларнинг илм соҳасидаги ютуқлари шу даражага кўтарилганки, улар энди ўғил болалардан доимий равишда устунлик қилишмоқда, уларнинг стресс, хавотир ва депрессия даражаси ҳам ошган [7. Б. 56]. Руҳий саломатлик хизматлари (Mental Health Services) маъмурияти томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, АҚШда 2015 йилда қизларда депрессияга тушиш ўғил болаларникига нисбатан уч баравар кўп бўлган. Бошқача қилиб айтганда, "қизлар юқори натижаларга эришиш учун қаттиқ ҳаракат қилишмоқда, аммо бу фаолиятдан завқ олишмаяпти. Ва бу муаммо ота-оналар ва ўқитувчиларнинг эътиборини тортиши керак" [7. Б. 65], деган фикрни ўртага ташлаган.

Ҳар бир ота-она қиз фарзандларининг чексиз имкониятга эга бўлишларини хоҳлайди. Аммо бундан ҳам кўра, ота-оналар қизларининг бахтли бўлишларини истайдилар. Бунинг учун ота-оналар қиз фарзандларининг қачондир дуч келиши мумкин бўлган ҳар қандай қийинчиликларга тайёр эканликларига ишонч ҳосил қилишлари керак.

Ота-оналар, айниқса, оналар қизларига энг асосий таъсир кўрсатувчилар эканлигини ҳеч қачон унутмаслик керак. Ўтказилган тадқиқотлар тенгдошларининг таъсирига осон берилади, деб ҳисоблайдиган ўсмир қизлар онасининг таъсирига кўпроқ берилишини кўрсатади: 1000 дан ортиқ 13 ва 18 ёшли қизлар ўртасида "Болалар ва қизлар етакчилиги" (Kids and Girls Leadership) ташкилоти томонидан ўтказилган сўровномага кўра 63 фоиз қизлар уларга асосий намуна оналари эканлигини, 48 фоизи эса муаммоли вазиятга учраганда уларнинг қўллаб-қувватловчилар оналари эканлигини айтишган. Фақат қизларнинг 15% игина биринчи бўлиб дўст-дугоналарига маслаҳат сўраб мурожаат қилишларини билдиришган.

Барча халқларда бошланғич синф ўқувчи қизлари онасига кўпроқ суянишади. Қизлар кунни дўстлари билан ўтказиши мумкин, аммо уларнинг энг ишончли кишиси – бу она. Онанинг ҳар жиҳатдан ўзи шахсий намуна кўрсатиши, соғлом имиджини яратиши, хатти-ҳаракатлари қизининг хулқига бевосита таъсир кўрсатади.

"Жасур Қизлар" (Brave girls) ва Нью-Йорк шаҳридаги ўспирин қизлар учун нотижорат Мустақил (Unleashed) компаниясининг асосчиси, психологик Стекий Радин "болаликдаги зўравонлик ўтиб кетмайди" [7. Б. 76], – деб ҳисоблайди. Сизнинг бошқаларга қандай муносабатда бўлаётганингиз, ҳатто

қандай гапираётганингиз – бу сизнинг қизингиз эртага бошқаларга қандай муносабатда бўлишингиздан, қандай гапиришидан дарак бераётир. Нафақат фикрлашингиз, балки сўзларни қандай оҳангда айтишингиз ҳам муҳим.

“Аёллар кўпинча саволлар билан гапиришади ёки “Бу тўғри эканлигига амин эмасман, лекин ...” деган огоҳлантириш билан сўз бошлашади”, – деб ёзади қизлар етакчилигини қўллаб-қувватлаш билан шуғулланувчи “Тадқиқотчи қизлар” (“Girl Scouts”) билан ҳамкорликда ишловчи “Ban Bossy” компаниясини таъсис этган ташкилот (LeanIn.org) президенти Рейчел Томас. “Шундай экан, ишонч билан гапиринг ва қизингизни ҳам шундай қилишга унданг. Менинг 8 ёшли қизим бирон нарсага ишончи комил бўлмаганида гўдак нутқидан фойдаланади. Ўшанда мен унга агар муҳим гапни бундай оҳангда гапирса, одамлар уни жиддий қабул қилмасликлари мумкинлигини айтаман” [7. Б. 95].

Маълумки, қиз боланинг ўз ташқи кўринишига қандай муносабатда бўлиши, онасининг ўз қиёфасига муносабати билан белгиланади. Яқинда Англияда 2000 нафар оналар ўртасида ўтказилган “Бирлашган Қироллик Кабутари” сўровномаси натижалари 7 ёшга тўлган қизлар оналарининг хатти-ҳаракатларини такрорлашларини кўрсатган. Масалан, она тўладан келган бўлса, қизи ҳам ўзини шундай тасаввур қилишлари мумкин экан.

АҚШда қизлар тарбиясини тўғри ташкил қилишнинг яна бир йўли – фаол бўлишга ўргатиш эканлиги маълум бўлади. Унга кўра қизингиз сизнинг югуришга чиқаётганингизни, югураётганингизни кўрганида ёки унинг хонасида бирга рақсга тушганингизда ёки ўйин майдонидаги тош деворни кўтаришда ёрдам берганингизда, сиз унга фаол бўлишни ўргатаётган бўласиз.

Маълумки, ўзбек оилаларида отанинг ўрни, мақоми жуда юқори бўлган. Бу анъанага “Ота-оналар” сайтида алоҳида эътибор қаратилган. Унда қиз тарбиясида она қанчалик муҳим бўлса, отанинг ўрни ҳам шунча муҳимлиги таъкидланади. “Кучли оталар, кучли қизлар” китобининг муаллифи Мер Микернинг ёзишича, қизлар кичиклигидан атрофидаги эркакларнинг ўз хулқларига эътиборидан таъсирланадилар. Эркаклар томонидан эътибор қозониш ёки қозонмасликлари уларнинг умр йўлдош танлашларидан тортиб, карьераларигача таъсир кўрсатади. “Менинг тажрибамга кўра, қиз болалар одатда онанинг меҳрини муҳокама қилинмайдиган, табиий ва кутилган деб ҳисоблашади”, дейди доктор Микер. “Аммо баъзи сабабларга кўра отанинг меҳри ҳатто у намунали ота бўлса ҳам, доим бир хил намоён бўлавермайди. Ота меҳри боласига уни яхши кўришини айтгандагина кучга киради. Оталар нафақат қизларининг ташқи қиёфасини, балки уларнинг феълатворини ҳам мақташлари керак. Сиз унинг кичик укасига қанчалик меҳрибонлигини гапирганингизда, уни қайси фазилати (меҳрибонлик) билан кўришингизни билдиради” [8. Б. 67], дейди доктор Микер. Бироқ шуни қайд қилиш керакки, қизлар тарбиясига якка педагогик ёндашув жуда муҳим. Баъзи ота-оналар қизлари билан кўчакўйда сайр қилиш муҳим, деб билишади. Бу тўғри, аммо уни ўз ишхонасига олиб бориш, уй-рўзғор учун керакли нарсаларни бирга, гаплашиб, маслаҳатлашиб харид қилиш, автомобилни бирга ювиш ва бошқалар қиз болага у билан ҳамроҳлик ота учун кўпроқ қадрли эканлигини кўрсатади.

Америка аёллари университети уюшмаси (America Association of University Women) аёллар ва уларнинг оилалари ҳаётини таълим, хайрия ва тадқиқотлар орқали яхшилашга қаратилган миллий университет олимларининг фикрларига кўра, бошланғич ва ўрта мактаб ўртасида қиз боланинг ўзини ўзи қадрлаши ўғил болаларникига қараганда 3,5 баравар

пастроқ бўлиши қайд қилинган [9. Б. 47]. Шунинг учун “қизингиз ёмон йўлга киришининг олдини олмоқчимисиз? Болаликдан унинг индивидуаллигини, ўзига хослигини рағбатлантиринг. Шунда у нозик ва мураккаб ўсмирлик ёшига кириб борганида ўзининг ҳиссий ҳимоя қобиғига эга бўлади. “Ўсмирлик бу – қизлар ўз шахсини ота-оналаридан айри, алоҳида тушунишни бошлаган давр. Шунинг учун улар “синф масхарабози” ёки “исёнчи” сингари талқин қилиниши мумкин. Аммо агар улар ўз-ўзини кучли, тўкисман, деган баҳолаш туйғусига эга бўлса, ўсмирлик давридан осон ўтишади? [9. Б. 66], – деб тушунтиради доктор Радин.

Қизингиз нималарга қизиқади? Бу барча ота-оналарни қизиқтирадиган савол. Қиз боланинг қизиқишларини ўрганишда арқонни узун ташлаб, қиз боланинг бирор нарсага қизиқишини сезгач, уни ўрганишига шароит яратиб бериш зарур. Бу оиланинг бошқа аъзоларида бўлмаган, янги қобилият, қизиқишларини рўёбга чиқарувчи калит бўлиши мумкин. Бу ҳақда “баъзи қизларда қобилият туғма бўлади. Аммо бошқаларига ўз қобилиятини топишга ёрдам бериш керак бўлади”, – дейди доктор Сильвермен. “Мен илгари бир футболчининг онаси билан ишлаган эдим. Қизи футболга қизиқмас, сузишни яхши кўрарди. Онаси уни сузиш тўгарагига берганидан кейин унинг қобилияти юзага чиқди” [9. Б. 87]. Дарҳақиқат, бу мутахассис-педагоглар учун аниқ кўриниб турган ҳолат, аммо мутахассис бўлмаган оналар учун буни тушуниш қийин. Шу туфайли баъзан ота-она ўз қизини соҳа мутахассиси билан боғлайдиган кўприк бўлишига тўғри келади.

Қиз боланинг ўзлиги қандай бўлса, шундайлигини мақташ, ҳатто унинг хато қилишига йўл қўйиб бериш ундаги ўзига ишончни мустаҳкамлашнинг энг яхши усулларидан бири. Нега дейсизми? Назария: қизлар “яхши қиз”га хос хулқ-атворлари учун мақтов эшитиб, камолотга эришишга тайёрланадилар. Улар бунинг учун “хато қилиш яхши эмас”, деган хулосага келишади. Бу жуда муаммоли ҳолат, чунки тадқиқотчилар ишончни кучайтирадиган нарса таваккал қилиш ва тартибсизликларни юзага келтириш жараёни эканлигини аниқлади, деб тушунтиради BBC World News America бошловчиси ва “Ишонч калити” (The Confidence Code) нинг ҳаммуаллифи Кети Кей. “Биз улар учун ҳамма вазифани ўзимиз бажариш орқали болаларимизнинг ҳаётини осонлаштиришни, уларнинг муваффақиятга эришишларини жуда-жуда хоҳлаймиз. Аммо вақти келиб, болага “Сен зўрсан. Ҳамма ишни уддалай оласан, ғайрат қил”, деб ҳаётга йўллаймиз. Бироқ, афсуски, у ўзида буни тасдиқлайдиган ички асосларга эга бўлмайди, чунки ҳеч қачон қаттиқ меҳнат қилишига тўғри келмаган бўлади”, дейди Кей. [10. Б. 24]. Пировардида хатолар ҳаётнинг табиий, одатий қисми эканлигини қиз болага тушунтириб бориш фойдали бўлади. Яъни “Ўзингизнинг хатоларингиз ҳақида (тез-тез) гапириб туринг (ҳатто эътиборсизлик қилиб, телефонингизни тушириб юборганигиз каби майда-чуйда нарса бўлса ҳам. Хуллас, кичкинтойларга ҳам кичик хатолар қилиш имкониятини беринг”, дейди Кей. У буни “тухум қовуриш” вазифаси деб номлайди: “Сиз қизингизнинг тухум қовуриш каби у ўзи бажара оладиган, кичик ишларнинг рўйхатини тузинг. Синов ва хатоларга йўл қўйиб, уларни ўрганиш орқали унинг кўникмалари ривожланади, ўзига ишончи орта боради. Ёки биргаликда янги нарсаларни синаб кўринг. Масалан, бирга овқат пиширинг, супермаркетда озиқ-овқат танланг, ҳисоб-китоб қилинглар. Бу ишларни бирга бажаришдан сиз ҳам қизингиз завқланасиз” [10. Б. 36].

Хуллас, Ғарбий Европа, АҚШда қизлар

тарбиясида ижтимоий фаол шахс фазилатларини, ўзига ишончни тарбиялаш устувор педагогик вазифалардан бирига айланган. Миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига асосланган "Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси"ни амалга оширишда ушбу тажрибанинг илғор намуналаридан фойдаланиш келажакда мамлакатимизда жамоатчилик, сиёсат, ҳуқуқ-тартибот, ишлаб-чиқариш, таълим, саноат, тадбиркорлик, бошқарув соҳаларида ўзларига ишонч билан ишлайдиган, ўзини ўзи банд қилишга қодир фаол хотин-қизларимизни тарбиялаб етиштиришга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. *Қўчқаров В.* Миллий ўзликни англаш ва сиёсий-ижтимоий жараёнлар. – Тошкент: Академия, 2008. – 124 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 28 январь.

3. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 110 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги "Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1059-сонли қарори // Халқ сўзи, 2020 йил 4 январь.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони // Халқ сўзи, 2020 йил 30 октябрь.

6. *Kristyn Kusek Lewis* - The secret to raising a happy confident girl (https://www.parents.com/parenting/better-parenting/positive/the-secret-to-raising-a-happy-confident-girl/) 22.09.2015. (Мурожаат этилган сана: 22.08.2020)

7. *Simone Morean* - Girls Leadership (Mental Health Service - https://www.sciencedirect.com/topics/medicine-and-dentistry/mental-health-service. (Мурожаат этилган сана: 02.12.2019)

8. *Meg Micer* URL: https://www.goodreads.com/author/show/7125170 (Мурожаат этилган сана: 08.10.2020)

9. America association of university women. URL: https://wgrc.sa.ua.edu/programming-and-resources/american-association-university-women/ 2014 (Мурожаат этилган сана: 18. 11.2020)

10. *Katty Kay, Claire Shirman.* The confidence code. URL: https://www.audible.com/pd/the-confidence-code-audiobook/b00ia38rcm. Harper Collins 2014. (Мурожаат этилган сана: 15.07.2020)

FROM THE FOREIGN EXPERIENCE OF THE METHODOLOGY OF EDUCATION OF SOCIO-ACTIVE PERSONALITY IN GIRLS (on the example of site materials Parents.com)

Z.E.Azimova[1], M.K.Bakiyeva[2]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Pedagogik tadqiqotlar – Scientific bulletin. Pedagogical Research. 2020. 6(50). 5–15.

[1] Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

[2] Republic of Uzbekistan ministry of public education andijan territorial center for retraining and advanced training of public education personnel, Andijan,170100, str. Istiqlol, 8 (Uzbekistan). E-mail: avxtxqtumoi@exat.uz

Keywords: socio-economic, spiritual and educational, educational concept, ideological immunity, basic competence, social activity, legal culture, innovative thinking.

In all educational institutions of the country, special attention is paid to the personality of pupil girls, their future in terms of socio-economic development, the study and analysis of the internal relations that reflect the social activity of each student in this process.

The most important and common feature of a person who maintains a constant relationship with society, self-awareness and coordination of every action is his activity. Social activity is a measure of a person's level of awareness and perfection in all areas.

The main criterion for the improvement of social activity in school girls is the foundation of spiritual and ideological education - the teaching of self-awareness and self-management. Because the basis of social activity in an individual is self-management and self-awareness. The upbringing of girls in the spirit of social activism is a complex process, which is carried out mainly in the performance of social tasks under the influence of labor activity, social environment, neighborhood, community.

In its turn, the development of socially active personality in primary school girls is an important component of the ongoing spiritual reforms in our country. Today, free thinking in educational institutions, the formation of a socially healthy lifestyle in the national and independence of girls in the formation of social activism, the formation of their attitude to socially useful work, teaching them to manage their behavior and activities, to stimulate their abilities in this process. confirming that the process of educational work is very complex, such as focusing on the correct choice of their place and position, the timely correct assessment of creativity and initiative.

Social activism education plays a crucial role in the development of girls' lives. Firstly, with the help of an educational tool, things that cannot be influenced by the environment are explored, i.e., knowledge, information is acquired, and skills and competencies related to labor and technical activities are acquired. Secondly, it paves the way for girls to reach high peaks in their future lives and careers.

The activism of a girl's personality is most evident in the fact that when she begins to think seriously about her self-education, she develops a program of self-improvement, devoting, special energy and resources to its implementation and actively shaping her personality.

The social activity of the primary school student is a form of the child's relationship with

the surrounding being, in which the student's objective position, self-determination and self-realization in society depends on his level of social experience and participation in socially important activities. the unity of external relations is manifested.

References:

1. Qo‘chqarov, V. (2008) *Milliy o’zlikni anglash va siyosiy-ijtimoiy jarayonlar* [National identity and socio-political processes]. Tashkent: Akademiya.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi (2020) [President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoyev's appeal to the Oliy Majlis]. Xalq so‘zi. January 25.

3. Fitrat, A. (2000) *Oila yoki oila boshqarish tartiblari* [Family or family management procedures]. Tashkent: Ma'naviyat.

4. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 31-dekabrdagi “Uzluksiz ma'naviy tarbiya konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi 1059-sonli qarori (2020) [Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated December 31, 2019 No. 1059 ‘On approval of the Concept of continuous spiritual education and measures for its implementation’]. Xalq so‘zi. January 4.

5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Ilm-fanni 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi farmoni (2020) [Resolution ‘On Approval of the Concept of Science Development until 2030’]. Xalq so‘zi. October 30.

6. Kristyn Kusek Lewis.(2015).The secret to raising a happy confident girl. [Online]. URL: https://www.parents.com/parenting/better-parenting/positive/the-secret-to-raising-a-happy-confident-girl/ (date of access: 22. 08.2020)

7. Simone Morean. (2010) Girls Leadership. Mental Health Service. [Online]. URL: https://www.sciencedirect.com/topics/medicine-and-dentistry/mental-health-service. (date of access: 02.12.2019)

8. Mer Micer. [Online]. URL: https://www.goodreads.com/author/show /7125170.(date of access: 08. 10.2020)

9. America association of university women. (2014) [Online]. URL: https://wgrc.sa.ua.edu/programming-and-resources/american-association-university-women/ (date of access: 18.11.202018)

10. Katty Kay and Claire Shirman (2014) The confidence code. [Online]. URL: https://www.audible.com/pd/the-confidence-code-audiobook/b00ia38rcm). (date of access: 15.07.2020)

Муаллифлар ҳақида маълумот:

Азимова Зиёда Эргашевна – педагогика фанлари доктори, Андижон давлат университети Мактабгача педагогика кафедраси доценти. E-mail: ziyodachon@mail.ru

Бакиева Муҳаббат Камолиддиновна – Андижон вилояти Халқ таълими вазирлиги ва халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ҳудудий маркази Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим методикалари кафедраси катта ўқитувчиси. E-mail: bakiyeva.m73@mail.ru